В июне 2021 года на проведенной впервые в стране Неделе Целей устойчивого развития, Узбекистан первым среди стран выступил с инициативой по объединению усилий парламентариев в области устойчивого развития.

23-24 июня 2021 года в городе Бухаре проведен Международный форум на тему «Межпарламентское глобальное сотрудничество в достижении Целей устойчивого развития». В нем приняло участие около 500 экспертов из более 100 государств мира, представители 30 международных неправительственных организаций, руководители 5 международных межпарламентских организаций.



На 142-й заседании Ассамблеи Межпарламентского союза член Комитета по труду и социальным вопросам Законодательной палаты Олий Мажлиса Мадина Баратова избрана членом Постоянного комитета по устойчивому развитию данной престижной организации.

Все это свидетельствует о том, что Парламент страны играет активную роль в формировании законодательства, мониторинге и продвижении Повестки дня и Целей в области устойчивого развития на период до 2030 года.

Национальные цели устойчивого развития интегрированы в основные документы стратегического развития страны до конца двадцатого десятилетия: утвержденную Постановлением Президента Республики Узбекистан № 4477 от 4 октября 2019 года «Стратегию по переходу Республики Узбекистан на «зеленую» экономику на период 2019 - 2030 годов» и утвержденную Указом Главы государства № 158 от 11 сентября 2023 года Стратегию «Узбекистан 2030».

В ноябре 2023 года в рамках Второго форума «Межпарламентское глобальное сотрудничество в достижении Целей

устойчивого развития», прошедшего в г. Ташкенте, был осужден Проект резолюции Генассамблеи ООН по привлечению гражданского общества в реализацию ЦУР.

Отдельная пленарная сессия Второго форума была посвящена подготовке Добровольного национального обзора.

Следует сказать, что еще в 2020 году на Политическом форуме высокого уровня по устойчивому развитию, который прошел под председательством Экономического и Социального Совета ООН (ЭКОСОС), Узбекистан впервые представил Добровольный национальный обзор по ЦУР.

Ведется работа по подготовке альтернативного национального обзора по ЦУР гражданским обществом.

В связи с этим важно изучить опыт передовых стран в подготовке альтернативных докладов по ЦУР и внедрить это в национальную практику, оказать гражданскому обществу содействие в данном направлении.

Помимо этого, формируется корпус молодежных послов ЦУР.

В этом направлении также необходим постоянный диалог формируемого корпуса с

другими аналогичными структурами.

Важно обеспечить взаимодействие Молодежного парламента Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан с формируемым корпусом, повысить их знания, навыки в работе с ЦУР.

В тоже время, учитывая, что обеспечение устойчивого развития любого государства опирается на 6 факторов: экономический рост, развитие социальной сферы, обеспечение экологической безопасности, духовно-нравственное возрождение, развитие институциональных структур и совершенствование правовых основ государственного и общественного строительства, а также принимая во внимание современные вызовы, необходимо пересмотреть подходы и методы работы парламентариев в вопросах ЦУР. Для этого вовлеченные стороны должны быть осведомлены о передовой практике и решениях проблем развития, а также быть способны оперативно реагировать на меняющиеся потребности общества.

Это позволит укрепить потенциал парламентов по интеграции ЦУР в свои процессы,

что в свою очередь повысит эффективность принимаемых законов, обеспечит прозрачное и подотчетное бюджетирование для реализации ЦУР.

Вместе с тем, совершенствованию деятельности по достижению ЦУР также могли бы способствовать:

- 1) создание (моделирование) экспериментальных территорий (зон) устойчивого развития;
- 2) разработка региональной Стратегии достижения ЦУР с учетом перехода на “зеленую” экономику;
- 3) активизация мер по повышению осведомленности общественности по вопросам ЦУР.

Для выполнения этих задач в Узбекистане и других странах центральноазиатского региона есть все возможности: политическая воля, законодательные рамки, эффективно действующая исполнительная власть, активные институты гражданского общества, сотрудничество с международными организациями и опыт партнерства всех сторон в достижении ЦУР.



БОДИРИНГ ЭКИЛГАН ДАЛАЛАРНИНГ БЕГОНА ЎТЛАРИ (CUCUMIS SATIVUS L.)

Ахмедов Х. А.,

Тошкент давлат аграр университети

Аннотация. Тошкент вилояти Қибрай туманидаги бодиринг экилган далалардаги бегона ўтларнинг турлари таркиби ўрганилган. Бегона ўтларнинг доминант турлари, ифлосланиш даражаси ва ер бирлигидаги 1 м² даги сони аниқланган. Бегона ўтлар турларининг лотинча номлари келтирилган. Энг кўп учрайдиган бегона ўт турлари кўрсатилган. Сабзавотчиликда навбатлаб экишнинг кенг қўлланилиши ҳар бир экин турига хос бўлган бегона ўт турларини аниқлашда маълум қийинчиликлар туғдириши баён қилинган.

Таянч сўзлар: дала, помидор, бегона ўтлар, оила, туркум, тур, тур хиллари, ер бирлигидаги сони-1 м², дона, ўтмишдош экин, навбатлаб экиш.

Кириш. Бегона ўтлар инсонлар дехқончилик билан шуғулланишни бошлагандан буён маданий ўсимликларга зарар келтириб келди ва яна зарар келтирмоқда. Улар узоқ эволюцион тараққиёт мобайнида яшашга, экологик омилларнинг салбий таъсирига ўзига хос мослашиб келган ва пировард натижада экологик омилларнинг салбий таъсирига маданий ўсимликларга нисбатан анча чидамлиликка эга бўлган.

Шунинг учун ҳам улар, маданий ўсимликларга нисбатан тупроқдан намликни, минерал моддаларни ва микроэлеменларни олдинроқ ўзлаштиради, натижада тезроқ ўсади, ривожланади ва маданий ўсимликларга соя солиб, уларда борадиган фотосинтез, модда алмашинуви ва бошқа жараёнларни секинлаштиради. Сабзавот экинларининг уруғлари майда бўлганлиги сабабли улар дастлабнозик майсалар ҳосил қилади. Шувақтда айрим бегона ўтларнинг майсалари улардан олдинроқ униб чиқади, баъзилари эса баробар

униб чиқиб, маданий ўсимликлар майсаларига нисбатан тезроқ ўсади, ривожланади ва зарар етказа бошлайди. Айниқса кўп йиллик бегона ўтлар сабзавот экинларига катта зарар келтиради.

Уларнинг илдиз поялари, илдиз бачкилари бўлганлиги сабабли, олдинроқ майса ҳосил қилади, ўтоқ қилиш ва қатор ораларига ишлов бериш вақтида эса кўплаб маданий экинларнинг майсаларини нобуд бўлишига сабабчи бўлади. Бегона ўтлар маданий ўсимликларга ўралиб уларни ётқизиб қўяди. Ғўза, сабзи, пиёз ва кўплаб бошқа маданий ўсимликлар вегетация даврининг бошларида бегона ўтлар орасида қолиб кетса, бегона ўтларнинг зарари ниҳоятда катта бўлади, натижада бегона ўтларнинг салбий таъсири ўсув даврининг кейинги фазаларида ҳам сезилиб туради. [1, 2, 3, 4].

Суғориладиган ерларда кўп тарқалган бегона ўтлардан эшак шўра минерал моддаларни ғўзага нисбатан 200 марта кўп ўзлаштиради. Паразит бегона ўтлар маданий

ўсимликлар танасидан сув ва керакли озиқ моддаларни сўриб олади. Бегона ўтлар билан кучли ифлосланган ерларда қишлоқ хўжалиги машиналарининг иш унумдорлиги ва сифати пасайиб кетади.

Кўплаб зараркунанда ва касалликлар бегона ўтларда ривожланади, кейинчалик маданий ўсимликларга ўтади. Ариқларда, каналларда, зовирларда ва бошқа суғориш шахобчадаридида ўсадиган бегона ўтлар сувни яхши оқишига тўсқинлик қилади, балчиқ билан тўлишига сабабчи бўлади, зараркунандаларни ва касалликларни тарқалиш манбайи бўлиб ҳисобланади. Бегона ўтлар маълум табиий иммунитетга эга бўлганлиги сабабли уларнинг уруғлари унувчанлигини 40-50 йилгача бемалол сақлай олади.[5].

Илмий тадқиқот муассасаларининг маълумотига кўра, жамоа хўжалиklarининг бегона ўтлар билан зарарланган далаларидан 2-3 ц дон, 30-50 ц картошка, 30-40 ц сабзи, 40-50 ц гача хашаки илдиз мевалар ва силос маҳсулотлари йўқотилади [6]. Бегона ўтлар кўп тарқалган далаларда маданий ўсимликларнинг ҳосилдорлиги сабзавот экинларида 10,0% га, дон дуккакликларда 13,4% га, картошкада 6,5 % га, ғаллазорларда 10,6 % га пасайишига сабаб бўлиши аниқланган [7]

Ўза экилган далалардаги, мевазорлардаги, бугдойзорлардаги бегона ўтларнинг турлари таркиби яхши ўрганилган [8, 9, 10, 11, 12]. Сабзавот экинлари экилган далалардаги бегона ўтларнинг турлари таркиби, ер бирлигидаги сони ва уларнинг биологик хусусиятлари яхши ўрганилмаган. Биз шуларни ҳисобга олиб сабзавот экинлари экилган далалардаги бегона ўтларнинг турлари таркибини ва ер бирлигидаги сонини ўргандик.

Тадқиқот услуги. Илмий тадқиқот ишлари А. И. Мальцев [13] ва Б. Г. Алеев,

А. Ж. Жўрақулов, Х. А. Ахмедов ва А. М. Мирзаевларнинг [14] таклиф қилган услублари асосида олиб борилди. Бунинг учун бодиринг экилган далаларнинг диагонали бўйлаб юриб бир неча нуқтадан, шу майдончаларда учраган бегона ўт турларидан гербарий йиғилди ва уларнинг ботаник номлари аниқланди. Бегона ўтлар сонини аниқлаш учун эса, ўрганаётган далалардан 1 м² дан тўрт такрорланишда майдончалар ажратиб олинди ва шу майдончаларнинг ичидаги бегона ўтларнинг турлари таркиби ва сони санаб аниқланди.

Тадқиқот натижалари. Бегона ўтлар жуда кўп миқдорда уруғ берадиган ва авлодини тарқатишга ўта мослашган ўсимликлар бўлиб, уларнинг уруғлари ҳар йили сув, шамол, гўнг, хайвонлар, қушлар, инсонлар, қишлоқ хўжалик техникалари ва бошқа воситалар орқали маданий ўсимликлар экилган далаларга кириб боради.

Булардан ташқари, экинзорларда яшаб қолган бегона ўтлар кузгача бемалол уруғ беришга улгуради. Уларнинг уруғлари тупроққа сочилади. Кузда ер ҳайдалганда бу уруғларнинг ҳаммаси тупроққа аралашади, униб чиқа олиш чуқурлигига тушиб қолган уруғлар униб чиқади, қолган уруғларнинг ҳаммаси чириб кетмайди кўпчилиги унувчанлигини 40-50 йилгача сақлай олганлиги сабабли тупроқда захира уруғ сифатида сақланиб қолади. Шунинг учун ҳам ҳамма маданий ўсимликлар экилган далаларда бегона ўтларнинг ҳар хил турлари учрайди. Бегона ўтларни ҳар томонлама ўрганишни ва уларга қарши мукамал кураш чораларини ишлаб чиқишни шароитнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Биз илмий тадқиқот ишларимизни Тошкент вилояти Қибрай тумани фермер хўжалиklarининг сабзавот экинлари экилган далаларида олиб бордик.

1.1-Жадвал. Бодиринг экилган далалардаги бегона ўтларнинг турлари ва сони (1 м²/дона)

№	Бегона ўтлар турлари 2022 й.	1 м ² даги сони, дона	
		2023 й.	
1.	<i>Amaranthus retroflexus</i> L.	28,0	25,0
2.	<i>Cyperus rotundus</i> L.	3,0	23,0
3.	<i>Echinochloa crus-galli</i> (L.) Beauv.	23,0	20,0
4.	<i>Chenopodium album</i> L.	17,0	16,0
5.	<i>Xanthium strumarium</i> L.	3,0	4,0
6.	<i>Solanum nigrum</i> L.	3,0	4,0
7.	<i>Sorghum halepense</i> (L.) Pers.	2,0	3,0
8.	<i>Cynodon dactylon</i> (L.) Pers	3,0	3,0
9.	<i>Convolvulus arvensis</i> L.	1,5	2,0
10.	<i>Rorippa islandica</i> Brob	1,0	0,75
11.	<i>Malva neglecta</i> Wall.	0,5	0,75
12.	<i>Rumex crispus</i> L.	0,5	0,5
13.	<i>Platano major</i> L.	0,5	0,5
14.	<i>Abutilon theophrasti</i> Medik	0,5	0,25
15.	<i>Sisymbrium loeselli</i> L.	0,25	0,25
16.	<i>Fumaria vaillantii</i> Loisel	0,25	0,25
17.	<i>Conium maculatum</i> L.	0,25	0,25
18.	<i>Setaria viridis</i> L.	0,25	0,25
19.	<i>Polygonum aviculare</i> L.	0,25	0,25
20.	<i>Polygonum heterophyllum</i> Lindm.	0,25	0,25
21.	<i>Physalis ixocarpa</i> Brot. Ex Harnem	0,25	0,25
22.	<i>Descurainia sophia</i> (L.) Webb ex Prantl	0,25	0,25
23.	<i>Datura stramonium</i> L.	0,25	0,25
24.	<i>Cirsium ochrolepidium</i> Juss	0,25	0,25
25.	<i>Portulaca oleraceae</i> L.	0,25	0,25
26.	<i>Dodartia-orientalis</i> L.	0,25	0,25
27.	<i>Hordeum Leporinum</i> L.	0,25	-

Жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадки, бодиринг экилган далаларда асосан 27 та турга мансуб бўлган бегона ўтлар турлари учрайди. Шулардан энг кўп учрайдиганлари *Amaranthus retroflexus* L. 1 м² да 25-28 дона, *Echinochloa crus-galli* (L.) Beauv. 1 м² да 20-23 дона, *Chenopodium album* L. 1 м² да 16-17 дона, *Cyperus rotundus* L. 1 м² да 3-23 дона, *Xanthium strumarium* L. 1 м² да 3-4 дона, *Solanum nigrum* L. 1 м² да 3-4 дона.

Шуни ҳам алоҳида қайд этиш жоизки, жадвалда кўрсатилган бегона ўт турларидан

9 таси кўп йиллик бегона ўтлар бўлиб ҳисобланади. Сабзавоткор хўжаликларда ҳар йили навбатлаб экиш кенг қўлланилади, бир далага бир оилага мансуб бўлган сабзавот экинлари кейинги йилга қайта экилмайди. Бу эса ҳар бир тур сабзавот экинига хос бўлган бегона ўт тур хилларини аниқлашда маълум қийинчиликлар туғдиради.

Бодиринг экилган далаларда учрайдиган бегона ўтларнинг тур хиллари бир томондан ўтмишдош экинга боғлиқлиги кузатилди. Ўтмишдош экин экилган далада бегона

ўтларнинг турлари ва сони қанча кўп бўлса, кейинги йили шу далага бодиринг экилганда бегона ўтларнинг тур хиллари ва ер бирлигидаги сони кўпроқ бўлиши аниқланди. Шу билан бирга кўп йиллик бегона ўтларнинг бодиринг экилган далаларда учраши, шу далада бодиринг экилмасдан олдин кўп йиллик бегона ўтларнинг мавжуд бўлганлигидан дарак беради. Чунки ўтмишдош экин экилган далада кўп йиллик бегона ўтларнинг қайси тури учраса, кейинги йили шу далага бодиринг экилганда шу кўп йиллик бегона ўт турларининг учраши аниқланди. Кўп йиллик бегона ўтлар сабзот экилган далаларда кўп ҳолатда ёппасига учрамасдан

ҳар ер – ҳар ерда учрайди, улар шу жойларда ўз вақтида йўқ қилинмаса, секин аста кўпайиб бутун дала бўйлаб тарқалади.

Хулоса. Бодиринг экилган далаларда асосан 27 та турга мансуб бўлган бегона ўтлар учрайди. Энг кўп учрайдиган бегона ўт турлари *Amaranthus retroflexus* L., *Echinochloa crus-galli* (L.) Beauv., *Chenopodium album* L., *Cyperus rotundus* L., *Xanthium strumarium* L., *Solanum nigrum* L. кабилардир. Бодиринг экилган далаларда учрайдиган бегона ўтлардан 9 та тури кўп йиллик бегона ўтлар бўлиб, уларга қарши кураш чоралари ишлаб чиқилганда, кўп йиллик бегона ўтларни алоҳида ҳисобга олиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Берназ Н.И. Разработка систем применения гербицидов на семеноводческих посевах лука репчатого. Автореф. канд. дисс. М.:2003, с.17.
2. Купренко Н.П. Производство лука в Белоруссии. «Картофель и овощи», 2003, №5, с.8-9.
3. Жидков В.М., Кривцов И.В. Гербициды на луке. «Защита и карантин растений», 2003, №6, с.28.
4. Лукянова О.В. Влияние основных элементов гребневой технологии возделывания моркови на ее урожайность и свойства пойменной луговой тяжелосуглинистой почвы в южной части Нечерноземной зоны РФ: Автореф. канд. дисс., Рязань, 2004, с.19.
5. Фисюнов А.В. Сорные растения М.: Колос 1984.
6. Сафийский А.М. Распространение сорняков под строгий контроль; Ж. Защита растений № 10, 1973.
7. Никитин В.В. Сорные растения флоры СССР. А. наука 1983
8. Бурыйгин В.А., Джангуразов Ф.Х. Сорная растительность поливных земель Узбекистана и биологические основы борьбы с ней. Труды ТашСХИ вып. 43 1975.
9. Собиров Б.З. Видовой состав сорных растений богарных посевов люцерны совхоза “Галляарал” Джизакской обл. тр. Сорные раст. Узбекистана и меры борьбы с ней. 1978.
10. Ахмедов Х. А. Сорные растения в посевах хлопчатника Джизакской области, источники и пути их распространения. Автореф. дис... канд. биол. наук. Т.: 1986., 22 с.
11. Журакулов А., Соловьев В. П., Бобаев К. Методика учета степени засорения посевов хлопчатника и других культур в системе севооборота, Ташкент. Изд-во. ФАН. Уз.ССР. 1990.
12. Белолыпов И. В., Абдуллаев А., Шералиев А. К вопросу выявления видового состава сорной растительности и типов засорения посевов хлопчатника в хозяйствах ККАР. Сорные растения Узбекистана и меры борьбы с ними. (Науч. Тр. ТашСХИ). 1990 Вып. 119. с.4-14.
13. Мальцев А.И. Сорная растительность СССР и меры борьбы с ней. Москва, Наука 1962.
14. Алеев Б.Г., Журакулов А.Ж., Ахмедов Х.А., Мирзаев А.М. Методические указания по учету распространения семян сорняков и засоренности посевов сельскохозяйственных культур в хлопковых севооборотах. Ташкент, 1981.

МУСТАҚИЛ ҲАЁТГА ИЛК ҚАДАМ




Ўтган асрнинг етмиш еттинчи йилида Тошкент давлат университети (ҳозирги М.Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети) геология факультетини тамомлаб, қўлимга олий маълумотлилик ҳақида димломни олишга сазовор бўлдим. Олтин давр, деб ном олган талабалик йиллари — ёзги ва қишки сессиялар, китоблар устида ва ўзаро баҳсларда ўтган кечалар, тоғу даралардаги дала амалиёти, дастурхон бой бўлмасада, бетакрор хурсандчилик муҳотида ўтказилган туғилган кунлар, “оқ олтин” ҳашарлари ва яна қанчадан-қанча катта ва кичик воқеалар, давлат имтиҳонлари-ю диплом иши ҳимояси, барча-барчаси — ортда қолди. Энди мен олий маълумотли мутахассис сифатида геология соҳасида бемалол ишлашим мумкин...

Бундан кейинги тақдирим тўғрисида ўйлаб, ўша пайтда ёшлар ташкилоти Тошкент вилояти қўмитасида масъул лавозимда фаолият кўрсатаётган Носирхон акамга маслаҳат учун мурожаат қилсам, у киши: — “Тўхта, мендан ақллироқ одамдан маслаҳат сўрайлик”, — деб,



Суратда: отамиз Абдулҳақ Тоиров

ҳаёти давомида турли раҳбарлик лавозимларда меҳнат қилган, умрининг сўнгги дамларигача мамлакатимизда илк бор ташкил этилган 1-сонли Қўйлиқ теплица комбинатининг биринчи директори лавозимида ишлаган Абдулҳақ отамизнинг яқин дўсти, таниқли адабиётшунос олим, профессор Ҳамид Сулаймон қабулларига бошлаб бордилар. Ўшанда домла ЎР Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи ва Қўлёзмалар институтининг директори эдилар.



Суратда: профессор Ҳамид Сулаймон

Навоий кўчасидаги мухташам бинолардан бирида жойлашган музей ва институт директорининг ишхонаси кутубхонаси эслатар эди. Жавонларда китоблар, столлар устида китоблар... Директор иш столи устида беш-олти китоб тахлами ва очиб қўйилган қадимий бир китоб ётибди... Хона эгаси ёқилган электр лампа ёруғида лупа билан бир қўлёзмани ўқиб, қоғозга нималарнидир тушираётган экан. Кўзлари бизга тушиши билан, домла ўринларидан туриб, бизга пешвоз чиқиб, кучоқлаб кўришдилар. (Мен домла билан илгари ҳам уйимизга келганларида ҳамда отамиз раҳматли ҳаёт пайтларида уларни кига меҳмонга борганда учрашган бўлсамда ўзимни ноқулай сезардим. Ҳар ҳолда ўша пайт мени бу буюк олимнинг савлати босган бўлса ажабмас...) Биз кўрсатилган курсиларга ўтирганимиздан сўнг, котиба қизни чақириб, кўк чой буюрдилар.

Ҳамид Сулаймонович қон-қариндош, ёру биродарларни йўқлаб бўлганларидан кейин, бизга “Хўш, хизмат?” дегандай қарадилар ва акамлар мен университетни тамомлаганимни уларга айтдилар. Мен дипломни домланинг қўлларига тутар эканман, улар уни очиб, диққат билан ўқиб чиқдилар (Домла Ҳамид Сулаймон

филология фанлари доктори, профессор бўла туриб менинг биринчи ютуғимга ҳурматларини шу йўсинда билдирдилар!)

Кейин дипломни стол устига қўйиб, мени табриклар эканлар:

— Бу ёғига режалар қандай? — деб савол бериб, менинг жавобимни кутмасдан, ўзлари давом этдилар:

— Илм билан шуғулланиш керак. Сизларнинг оталарингиз илмга ўч инсон, бир неча диплом соҳиби эдилар (раҳматли отамизнинг агроном-мутахассислиги бўйича ҳамда олий партия мактабини битирганлиги ҳақида дипломлари бор эди). Менинг бир ажойиб оғайним бор. Нефть-газ илмий-текшириш институтининг директори, катта олим — академик Обидхўжа Ақромхўжаев. Мен ҳозир улар билан гаплашаман. Бир олдиларига ўтиб маслаҳатларини олиб келасизлар, — деб, ҳукумат телефони гўшагини қўлга олиб, тўртта рақамни тердилар.



Суратда: академик Обидхўжа Ақром-хўжаев

О.Ақромхўжаевнинг телефон гўшагини кўтарганига ишонч ҳосил қилгач, Ҳамид ака салом-алиқдан сўнг:

— Менинг яқин дўстим Абдулҳақ Тоировнинг ўғли ТошДУнинг геология факультетини муваффақиятли тамомлаб, қўлига диплом олибди. Қабул қилиб, шогирдликка олсангиз, дўстим. Икки йилдан кейин фан номзоди бўлиши керак, — дедилар.

Ҳамид ака бизларга О.Ақромхўжаев кутаётганлигини айтиб, хайр-маъзурдан кейин эшиккача кузатиб қўйдилар.

Нефть-газ институти директорининг қабулхонасига кириб, котибага кимлигимизни айтаётгандаишхоналаридан О.Ақромхўжаевнинг ўзлари чиқиб келдилар (у киши ўрта бўйли, катта ёшда бўлсаларда ҳаракатчан ва сертакаллуф инсон эканлар). Улар биз билан самимий сўрашиб, хоналарига бошладилар. “Журнал” столчаси атрофига қўйилган юмшоқ ўриндиқларга “чўкар” эканмиз, қабулхона котибаси чой олиб келди.

Бир пиёла чой устида Обид Муродович Ҳамид Сулаймонга бўлган ҳурматини, улар билан танишган вақтини, ўзининг ҳаёт йўлини тўла-тўқис айтиб бердилар. Унинг асосий фикри геологиянинг қандай ажойиб ва қизиқарли фан эканлиги, ҳақиқий геолог бўлиш учун қанчадан-қанча меҳнат қилиш, иссиқ уй, юмшоқ тўшак баҳридан кечиш, қийинчиликлардан кўрқмаслик эди. Фан чўққиларига чиқиш учун пастдан бошлаш, сўқмоқ йўллардан

юриб, равон йўлга чиқиб олиш лозимлигини таъкидладилар.

Мен бу инсоннинг қанчалик машаққатлар билан фан чўққисига чиққанлиги ҳақидаги ҳикоясини тинглаб, шу борада ўйлар эканман, ҳаёт йўлимни унга ўхшаб ишлаб чиқаришдан бошлагим келди.



Суратда: Носирхон Тоиров

Биз академик билан хайрлашиб, кўчада кетар эканмиз, мен ўқиш даврида амалиёт ўтаган экспедицияда ишлашни давом эттиришга қарор қилганлигим ҳақидаги фикримни акамларга билдирдим. Акамлар менинг қароримни маъқулладилар ва оқ фотиҳа бердилар.

Бу менинг мустақил ҳаётга, меҳнат фаолияти томон қўйган биринчи қадамим эди...

М. Тоиров,

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси,
муҳандис-геолог.

ҲАЁТИ ТЎЛА, МАЪНО, РАЪНО...



Сарлавҳадаги сатрларни ўқишингиз билан, афсонавий санъаткоримиз Ботир Зокировнинг майин товуши қалбингизни эгаллаб олади.

2024 йил 20 мартда академик Абдулла Мухаррамович Убайдуллаевнинг таваллуд топганларига 90 йил тўлди. Шу муносабат билан ўтказилган тадбирни майин ширали товуш соҳиби, суҳондон Муслимбек Йулдошев маҳорат билан олиб борди. Тадбир давомида танбур сеҳрини яна бир бор Тоир Қўзиёв ўз гуруҳи билан узлуксиз тараннум этди.

Шу билан бирга тайёрланган кичик метражли хотира кино лентаси намоиш этилганда ва унда Фаррух Зокиров умр боқий қушиқ бўлиб қолган «Раъно» кўшиғини куйлаганида, тадбирнинг барча иштирокчиларининг қалби жунбушга келди.

Академик Абдулла Мухаррамовичнинг кўзларига ёш келди, сабаби, буюк санъаткор Ботир Зокировнинг «Раъно» кўшиғини тинглашни ёқтирар эканлар. Балки, умр йўлдошининг исми Раъно бўлганлиги сабаблидир.

Экранда академик Абдулла Мухаррамович ўзининг жуфти ҳалоли бўлган, таниқли иқтисодчи олим, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг ҳақиқий аъзоси Раъно Ахатовна Убайдуллаева билан худди бугун вальсга тушаётганлиги муҳрланган кадрларни кўриш барчани, шу жумладан мени ҳам яқин ва узоқ йиллар хотираларига етаклаб кетди.



Абдулла Мухаррамович Убайдуллаевнинг 100 йилликларида ҳам бирга бўлиш насиб этсин!

Ботир Зокиров – “Раъно”
(Шоир Туроб Тула, композитор Икром Акбаров)

*Барнолар ичра, барно, Раъно
Гулмисан гулёмисан,
Гулмисан гулёмисан?
Ошиққа дилдормисан,
Ҳамма гуллардан аъло Раъно,..
Ҳамма гуллардан аъло Раъно,..*

*Не йигитлар шайдо, Раъно
Бир кулиб ром этдинг,
Қалбимни оловлатдинг, Раъно
Хумор кўзлар шахло, Раъно...
Ҳаёти тўла, маъно, Раъно
Синмасин ёшлик ўти,
Кўчамдан тургин ўтиб.
Бахтингдан-бахтим пайдо, Раъно...*

*Барнолар ичра, барно, Раъно
Гулмисан гулёмисан
Ошиққа дилдормисан
Ҳамма гуллардан аъло Раъно,
Ҳамма гуллардан аъло Раъно ...*

Академик Раъно Ахатовна Убайдуллаева билан мен 1986 йил Иқтисодиёт илмий-текшириш институтининг аспирантурасига ўқишга кирганимда илк бор танишганман. Уларнинг иллик муносабатлари ҳамда меҳрли нигоҳлари ҳали хануз ёдимда.

Аспирантурани тугатгандан сўнг 1990 йили Меҳнат вазирлигига ишга ўтдим. Мендан кейин бир муддат ўтганидан сўнг иқтисод фанлари доктори, профессор Рустам Хамидович Шодиев вазир ўринбосари бўлдилар. Оз

вақт ўтмасдан эса Раъно Ахатовна ҳам вазир ўринбосари лавозимига тайинландилар ва биз улар билан яна бир жамоада ишлашни давом эттирдик.

Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни



қисқар-тириш ва бандлик вазирининг маслаҳатчиси, Иқтисод фанлари доктори, профессор Баҳодир Хамидович Умурзоқов «Умр гулшани» китобида «Раъно» кўшиғини абадий севги тимсоли эканлигини эътироф этган

Ушбу даврда менинг ёдимда қолган хотиралардан бири Раъно Ахатовна ходимларга том маънода жуда меҳрли ҳамда эътиборли эдилар. Масалан, уларга ажратилган хизмат машинасидан барча ходимлар, иш заруриятидан келиб чиққан ҳолда, опанинг рухсати билан фойдалана олар эди, бундан ташқари ишдан кетишда, кеч қолган, ушланиб қолган ходимларни ўзлари билан бирга олиб кетишга ҳаракат қилар эдилар.

Кейинчалик эса, мен Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига, Раъно Ахатовна эса “Ижтимоий фикр” Марказига ишга ўтиб кетдилар.



Бироқ, Раъно Ахатовнанинг меҳнат фаолиятларидаги ютуқларидан доимо хабардор бўлиб турдим.

Раъно Ахатовна Убайдуллаеванинг ўзларига хос ҳаётий принциплари бор эди, шу принцип асосида биз ёшларга қуйидаги сўзларни такрорлашдан чарчамас эдилар:

“Доимо олдинга ҳаракат қилмоқ керак, шунда натижа ўзини узоқ куттириб қўймайди.”

- “Эришилган маррада тўхтаб қолмасдан, доимо олға интилиш, она юртингга виждонан ва ҳалол хизмат қилиш ҳамда кўтаринки руҳда меҳнат қилиш керак!”

Раъно Ахатовна ҳаётдан завқланиб яшаган ҳолда, “Менга кўплаб ажойиб инсонлар даврасида бўлиш бахтини берган тақдирдан бениҳоя миннатдорман” - деб, оддий бир ўзбек аёлининг қандай катта ютуқларга эришганларини камтарона эътироф этганлар. “Камтарга камол” деб шунга айтсалар керакда.

Ушбу тадбирдан академик Абдулла Мухаррамович Убайдуллаевга узоқ умр тилаб, раҳматли Раъно Ахатовна Убайдуллаевни жойлари жаннатда бўлишини дуоларимда сўраб ортга қайтдим.


Фозилхон Тоиров,

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг меҳнат фахрийси,
Москва Давлат Халқаро муносабатлари институти Тошкент филиалининг
(МГИМО-Ташкент) мустақил тадқиқотчиси,

Алишер Фозилхон,

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

ABDULLA QODIRIY UY-MUZEYI



Ижодий кечани кириш сўзи билан ТДТУ ректори, техника фанлари доктори, академик Садриддин Турабжонов очар экан, Абдулла Қодирийнинг ўзбек адабиёти романчилиги ривожланишига қўшган улкан хиссасида батафсил тўхтаб ўтди.



Мунозараларда сўзга чиққан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Нурали Қобил,

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети ташаббуси билан А.Қодирий уй-музейида ўзбек романчилиги асосчиси Абдулла Қодирий таваллудининг 130 йиллигига бағишланган “Ўтмишга айланмаган “Ўткан кунлар” мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Тадбирни Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Муслимбек Йўлдошев олиб борди.



фалсафа фанлари доктори, профессор Узоқбой Жўракулов ва бошқалар адиб ижодининг турли қирраларини очиб бердилар.



Тадбир давомида А. Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи асосида Ўзбек миллий академик драма театри актёрлари томонидан саҳналаштирилган спектаклдан саҳна кўриниши, “Улоқда” асари асосида Ўзбекистон давлат рус академик драма театри актёрлари

томонидан саҳналаштирилган спектаклдан саҳна кўриниши намойиш этилди. Ижодий кечада мавзуга доир мумтоз куй ва қўшиқлар янгради.

Тадбирда иштирок этган А. Қодирий ижод мактаби ўқитувчи ва ўқувчилари, жамоат ташкилотлари, маҳалла фаоллари, оммавий ахборот воситалари вакиллари адибнинг ҳаёти ва ижодига оид кўплаб маълумотларга эга бўлдилар.

Тадбир сўнггида якуний сўз билан А. Қодирийнинг набираси Хондамир Қодирий сўзга чиқар экан, меҳмонларга ўзининг самимий миннатдорчилигини билдирди.

Тадбир давомида Адҳам Раҳматуллаев бошчилигидаги “Хунарманд” уюшмаси аъзолари томонидан кулчилик, ёғоч ўймакорлиги бўйича маҳорат дарслари намойиш этилди.

Сирожиддин Рустамов,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

ТАБАРРУК ЁШ МУБОРАК!



Журналимиз Таҳририят Кенгаши аъзоси Пайзулла Тожикулов 75 ёшга тўлиши муносабати билан уни самимий табриклар эканмиз, Пайзулла акага сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий бахт, юртимиз равнақи йўлида амалга ошираётган фаолиятларида янгидан-янги зафарлар тилаймиз!

Пайзулла ака ўз меҳнат фаолиятини 1966 йилда Чиноз қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинати ишчиси сифатида бошлаган. 1973 йилда Тошкент политехника институтини тамомлаганидан сўнг Қирғизистондаги «Жергалан» шахтасида ер ости ички транспорти мастери, ер ости тоғ мастери лавозимларида ишлаган. 1975 йилдан у «Тошкентмармар» бирлашмасига қарашли қум-шағал карьери ишлаб-чиқариш ва техника бўлимида катта мухандис, бошлиқ, тоғ цехи бошлиғи, карьер бош мухандиси сифатида


меҳнат қилган. 1980 йилдан 1985 йилга қадар у Чиноз қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинатида цех бошлиғи, Чиноз туман статистика бўлими бошлиғи муовини, Давлат муассасалари ходимлари касаба уюшмаси Чиноз тумани қўмитаси раиси лавозимларида самарали фаолият кўрсатган. 1985 йилда у Чиноз тумани партия қўмитаси ташкилий бўлими инструктори лавозимида ишга ўтар экан, кейинчалик туман партия қўмитаси умумий бўлими мудир, Халқ депутатлари Чиноз тумани кенгаши катта референти лавозимларида ишлаган. 1992 йилда у Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат назорати қўмитаси Чиноз тумани инспекцияси Давлат назоратчиси, сўнг туман ҳокими муовини-Назорат инспекцияси бошлиғи, туман хокимлиги Назорат бўлими бошлиғи лавозимларида меҳнат қилиб ўзининг ҳалоллиги, принципааллиги ва тўғри сўзлиги билан нафақат туман ва вилоят раҳбарияти, балки кенг омма ўртасида катта обрў-эътибор қозонди.

Қаҳрамонимиз табаррук ёшни қаршилаган бўлсалар-да бугунги кунда ҳам куч-ғайратга тўлалар. Пайзулла ака 2004 йилдан то ҳозирги вақтгача O`zLiDeP Чиноз тумани Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари-аппарат раҳбари сифатида самарали меҳнат қилмоқдалар.

Пайзулла ака Тожикуловни муборак ёш билан қутлар эканмиз, уларга фарзанд ва набираларининг бахту камолини кўриш насиб этишини тилаб қоламиз!

“АгроБизнесИнформ” журнали таҳририяти.

ИЗ БУДНЕЙ СЛОЖЕН ГОД И ВЕК...



Николай Ильин,
поэт, член Союза писателей Узбекистана

У ветхих обелисков задержись,
У памятью забытых погребений:
О, как немногих сохраняет жизнь
И сколь бесчисленных погребает время!

В натруженной ладони удержи
Песчинку смысла – золотое семя:
Какой крупницей прорастает жизнь,
Какою массой увядает время!

Очищена от примесей чужих,
Отделена от ложных наслоений,
Прозрачной каплей проступает жизнь,
Слепым потоком убегает время!

Преодолев и робость и зажим,
Уверься в том, чему теперь стал верен;
Но как помалу прибывает жизнь,
И как спешит утраченное время!

Возможности реального превысь,
Чтоб каждый миг единством был измерен,
Чтоб временем отсчитывая жизнь,
Стремленьем к жизни сделать это время!

Прозрений в праздник не дано,
Суровых будней ищет знание,
И открывается оно
Трудолюбивому сознанию.

Из будней сложен год и век,
Как из догадок понимание,
Песчинка, обретя разбег,
Колеблет мирооснования.

Пусть ты невидим, как пунктир, –
Простая точка жизнествора,
Но, выбрав свой ориентир,
Как Архимед, найдя опору,
Перевернуть сумеешь мир.

* * *

Не унижай того, кто слаб,
Не делай из людей ничтожествов:
Они безумием расправ
Потщатся ноль свой преумножить.

Убийца Леннона и тот
«Данаи» пошлый осквернитель
Готовы влезть на эшафот,
Лишь только бы нашёлся зритель.

Для них падение – ничто,
Им как признание – презренье,
И осуждения итог –
Все то же самоутвержденье.

Ничтожество, как Герострат,
Устав быть слабым и безликим,
Хватает факел или яд,
Что б стать ничтожеством великим.

* * *

Не трогай нить судьбы, насилия страшись
На страже неестественная жизнь.

Пусть сам собой цветок произрастет:
Лишь в цельности цветка бесценен
лепесток,

Но сорванный не ветром, а рукой,
Он обретает смерть, но не покой.

И пусть не знает властная рука,
Что в каждом лепестке единственность
цветка,

Но на руке, прервавшей жизнь цветов,
Пребудет след невидимых шипов!

Есть то, что не зависит от желанья,
В чем наша воля иногда слаба,
Что не подвластно силе осознания –
И это называется судьба.
Но есть и то, что нам дано природой,
Что как свое осознаете вы,
Что в нас живет натурой и породой –
И это не зависит от судьбы.

* * *

Жизнь принадлежит тому, кто спешит.
Бабур

Нельзя опаздывать, мой друг:
Пустяк – к застолью опозданье,
Но неуместно на свиданье
И так обидно для подруг.

Нельзя опаздывать к труду,
К стихам и музыке, к таланту –
Природа отбирает гранты
И погружает в немоту.

Нельзя опаздывать в судьбу –
Она останется судьбою,
Но очень значимо – какою:
За промедление иное
Накличешь на себя беду.

Нельзя опаздывать к себе:
Себя упустишь – не воротишь,
И будет все обычно вроде,
Но ты – как в некой пустоте,
Где ставни, как пустой избе,
Глухое время заколотит.

ЭЪТИРОФ

Мен таниқли ёзувчи, шоир ва моҳир таржимон Асрор Мўминни кўп йиллардан буён: “Ўзбекистон овози”-“Голос Узбекистана” газеталари таҳририятида бирга ишлаган давримиздан яхши биламан. Ўша пайтларда унинг турли мавзуда ёзган мақолаларини катта қизиқиш билан ўқир эканман, Асрор аканинг ўзига хос йўналиши, ҳар бир масала юзасидан шахсий нуқтаи-назари борлигини кузатар эдим.



Газеталаримиз Бош муҳаррири раҳматли Сафар Остонов ҳам Асрор Мўмин ёзган мақола ва бошқа материалларига ўзгача эътибор ва ҳурмат билан қарар эдилар ҳамда кўпинча ўзбек тилида нашр этилган материалларни рус тилига ўгириб, “Голос Узбекистана” газетасида ҳам чоп этишимиз ҳақида топшириқ берар эдилар. Чунончи, шундай материаллардан жаҳонда машҳур эстрада хонандаси, Хоразм вилоятида туғилган Анна Герман, шахмат бўйича жаҳон чемпиони Рустам Қосимжоновларга бағишлаб ёзилган мақолаларини ва бошқа материалларни мен таржима қилиб, кўп мамнун бўлган эдим.

Асрор Мўминнинг Расул Ҳамзатов, Кайсин Қулиев, Роберт Рождественский каби машҳур

шоирлар асарларининг таржималарини ўқир экансиз, уларни қанчалик моҳирлик билан, оригиналдаги оҳангни сақлаб қолган ҳолда таржима қилинганлигини кўриб қойил қоласиз...



Шуни катта мамнуният билан қайд этиш лозимки, яқинда Ёзувчилар уюшмасининг катта мажлислар залида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, шоир ва таржимон Асрор Мўмин таваллудининг 70 йиллигига бағишланган ижодий кеча бўлиб ўтди. Тадбирни Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Минҳожиддин Мирзо очиб, Асрор Мўмин ҳаёти ва ижоди ҳақида маъруза қилди ҳамда серқирра ижодкорга Ёзувчилар уюшмасининг совғаларини топширди.

Тадбирда сўзга чиққан “Жаҳон адабиёти” журнали бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев шоир билан кўп йиллик ижодий ҳамкорлиги давридаги қизиқарли воқеаларни эсга олди, филология фанлари доктори, профессор Баҳодир Каримов ижодкорнинг Ҳазрат Навоийга эҳтироми шеър, таржима, мақола, дoston ва драмаларига кўчганлигини айтиб, таржимонлик соҳасида ҳам самарали фаолият

**Bizning havas qilsa arzaydigan buyuk tariximiz bor.
Havas qilsa arzaydigan ulug' ajdodlarimiz bor.
Havas qilsa arzaydigan beqiyos boyliklarimiz bor.
Va men ishonaman, nasib etsa, havas qilsa arzaydigan
buyuk kelajagimiz, buyuk adabiyotimiz va
san'atimiz ham albatta bo'ladi.**

**Shavkat Mirziyoyev
O'zbekiston Respublikasi Prezidenti**



кўрсатаётганлиги ҳақида гапирди, шоира Зулфия Мўминова эса унинг Расул Ҳамзатов, Қайсин Қулиев, Роберт Рождественский асарларидан ўгирган таржималаридан намуналар ўқиб берди.

инсоний фазилатларига урғу берди ва ўзи севган шеърни ўқиди, “Адабиёт зиёси” газетаси бош муҳаррири ўринбосари, шоир Зоҳиджон Олов устознинг ёш ижодкорларга ибрат бўладиган фазилатларига тўхталиб, унга бағишланган шеърини қатнашчилар эътиборига ҳавола этди.

Тадбир сўнггида Асрор Мўмин ташкилотчиларга, ташриф буюрган ижодкорларга, меҳмонларга миннатдорлик билдирди ва қатнашчиларга китобларидан совға қилди...



“Нуроний” газетаси бош муҳаррири Ҳамроҳон Муслмонова устоз мақомидаги Асрор акага самимий хурматини изҳор қилди, “Маърифат” газетаси бош муҳаррири Ҳусан Нишонов “Асрор ака, газетамизнинг қирқ йиллик қадрдони, фаол ва садоқатли муаллифларидан бири, долзарб мавзудаги мақолаларини бизга тақдим этаётганидан хурсандмиз ва бу ҳамкорлигимиз узоқ йиллар давом этишидан умидвормиз”, деди.

Таниқли шоир Салим Ашур ижодкорнинг машҳур хонанда Анна Германга аталган мақолалари, шеърларива достонини мамнуният билан таъкидлади, шоир Шодмонқул Салом Асрор Мўминнинг ижодкор учун муҳим бўлган

Таниқли ёзувчи, шоир ва таржимон, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Асрор Мўмин таваллудининг 70 йиллиги билан муборакбод этар эканмиз, унга соғлик-омонлик, бахт-саодат, ижодида янгидан-янги зафарлар тилаб қоламиз.

Маҳмудхон Тоиров,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

АСРОР МЎМИН 70 ЁШДА

Устоз, қалқонингиз камтарлик илло,
Сизни осон таъриф этиб бўлмайди.
Ки, денгиз тубига шўнғимай асло
Дуру жавоҳирга етиб бўлмайди.

Асрор Мўмин бўлмоқ ҳеч осон эмас,
Яшаш керак ҳар кун тонгни уйғотиб...
Сизни кўрган одам етмиш ёш демас,
Оппоқ сочларингиз қўймаса сотиб.

Сизни алқар не-не жаҳоний битик,
Кезарсиз юлдузлар қаҳқашонини.
Сизнинг кўзингиз-ла кўрар ҳар ўзбек
Расул Ҳамзатовнинг “Доғистон”ини.

Яна сиздан қарздор Қайсин оға ҳам,
Гўё раҳмат айтиб, шивирлар такрор:
“Мен ёзганим совуқ “Қиш эди”, бўтам,
Сен уни гулллатиб, этибсан баҳор!”

Дунё адиблари кўтарса-да жом,
Ҳазрат Навоийни юрарсиз ўйлаб.
Сизга берайин деб оташин илҳом
Ҳатто Анна Герман туради куйлаб.

Кўп нарса сўрамам сендан, эй Танграм!
То қуёш нур сочар она заминга...
Етмиш йил умр бер бор-йўғи тагин,
Мўминлар асрори Асрор Мўминга!

Зоҳиджон Олов

HAYRATOMUZ “GOLSHTEYNLAR”



Golshteynlar - suti uchun boqiladigan nemis qoramol zoti. Gollandiyada mahalliy qoramol zotlarini uzoq davr yaxshilash yo'li bilan yetishtirilgan. Jahonning ko'pgina mamlakatlarida unga qarindosh friz (Buyuk Britaniya, Fransiya), golshtinfriz (AQSH, Kanada, Yaponiya), daniya qora-ola, shved qora-ola, ostfriz, nemis qora-ola zotlari mavjud.



Rossiyaga 17- asr oxiri 18- asr boshlarida keltirilgan. U jaydari qoramol zotlari bilan urchitilib, xolmogor, tagil, bestujev zotlarini olishda foydalanilgan. Umuman olganda qoramol zotlari mahsuldorlik va tana tuzilishiga ko'ra birbiridan farq qiladi. Ulardan AQSH golshtinfrizi o'zining eng yuqori mahsuldorligi bilan ajralib turadi (sog'im davrida 10000 kg gacha sut beradi). O'zbekistonda mahalliy qoramol zotlarini golland qoramol zoti bilan urchitib yetishtirilgan qora-ola zoti respublikaning hamma viloyatlarida (Toshkent viloyatida ko'proq) boqiladi.



Qizil golshteyn - mahsuldorligi kuchli sut zotidir. Zotning kelib chiqishi Germaniya bo'lib, Shimoliy Amerikagacha yetib borgan. Qizil Golshteyn kam muskulli, nozik tana tuzulishiga ega. Bu esa boqishda samarali hisoblanadi. Sutchilikka asoslangan fermerlar orasida qizil Golshteyn juda sevimli zot hisoblanadi, chunki yaxshi oziqlantirish asosida juda yaxshi sut mahsuldorligiga erishiladi.

Golshteynfriz - Shimoliy Gollandiya, Frizland va Germaniya shimolidagi Shlezvig-Golshteyndan kelib chiqqan yirik sutli qoramol zoti. Bu butun dunyo bo'ylab sanoat sut chorvachiligida dominant zot bo'lib, 160 dan ortiq mamlakatlarda uchraydi. U ko'plab nomlar bilan tanilgan.

Bu zotning nomi Shimoliy Amerikada ko'pincha «Golshteynlar» deb qisqartiriladi. Ammo «friz» atamasi Buyuk Britaniya va Irlandiyada qo'llanadi. Hozirgi vaqtda u dunyodagi eng sersut hayvonlar sifatida tanilgan. Ular uzoq



vaqtdan beri kontinental Yevropaning unumdor pasttekisliklarida keng tarqalgan bo'lib, ular sut ishlab chiqarish qobiliyati uchun juda qadrlanadi. Golland va nemis seleksionerlari undan hududning eng boy resursini olish maqsadida zotning rivojlanishini nazorat qildilar. Natijada asrlar davomida yuqori mahsuldor, oq-qora sog'in sigir paydo bo'ldi.



Golshteynfriz dunyoda eng keng taqalgan chorva zoti hisoblanib, Yevropa janubida go'sht, shimolida esa sut uchun boqiladi. Qo'shma Shtatlarda Golshteynfrizlar boshqa barcha sut zotlaridan ustundir va sutning o'ndan to'qqiz

qismini ishlab chiqaradi.

Bu zot yog'siz mol go'shti ishlab chiqarishda Buyuk Britaniya va Qo'shma Shtatlarda tobora muhim rol o'ynamoqda. «Friz» sut va mol go'shti uchun yetishtirilgan an'anaviy Yevropa ajdodlarining hayvonlarini anglatadi. Golshteynfrizlari o'rtacha kattalikda bo'lib, odatda yetuk sigirning vazni 680 dan 770 kg gacha. Sog'lom buzoqning vazni 40 dan 50 kg gacha. Golshteynfriz qoramoli aslida ikki maqsadli zotdir.

U go'sht va sut ishlab chiqarish uchun ishlatiladi. Golshteyn friz qoramollari juda kuchli hayvonlardir. Ular turli xil agroiklim sharoitlariga moslasha oladilar. Shuning uchun ular butun dunyo bo'ylab 160 dan ortiq mamlakatlarda mavjud. Bu zot asosan yuqori sut ishlab chiqarishi bilan mashhur.

Bir sigir yiliga o'rtacha 10200 kg sut berishi mumkin. Uning suti juda yaxshi sifatga ega. Sigirlarining vazni 680–770 kg, buqalariniki 700–900 kg. Buzoqlari 40–50 kg tug'iladi, 6 oylik bo'lganda 160–170 kg keladi. Sut yog'liligi 4–4,2%, tarkibida 3,7 foiz yog' va 3,1 foiz oqsil mavjud. Homiladorlik davri taxminan to'qqiz yarim oy.

Jurnal har chorakda bir marta chop etiladi.

Muassislar:

- O'zbekiston Fermer, dehqon xo'jaliklari va tomorqa yer egalari kengashi,
- Tadbirkorlik va fermerlikni qo'llab-quvvatlash markazi
- "Kafolat servis" MCHJ

Nashr

O'zbekiston Respublikasi
Oliy attestatsiya komissiyasi
Rayosatining
2020-yil 31-dekabrda
290/10-sonli qarori bilan
Oliy attestatsiya komissiyasining ilmiy
jurnallar ro'yxatiga olingan.

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar
muallifga qaytarilmaydi.

ISSN 2010-9024

Nashr indeksi: 1123

Tahririyat manzili:
100140, Toshkent shahar,
Nukus ko'chasi 77-uy
Tel/faks: +99895 195-52-52.
Tel: +99897 480-34-82.

Jurnal "Agro Biznes Inform"
MCHJ kompyuter markazida
sahifalandi.

Chop etildi: 28.05.2024-yil.

Guvohnoma raqami: №990721
2021-yil 17-mayda berilgan.

Qog'oz bichimi: 60x84 1/8.

Buyurtma № 02.
Adadi: 1100 nusxa.

Баҳоси келишилган нарҳда.

Manzil: Toshkent shahar,
Nukus ko'chasi, 77-uy.

Нашрни тайёрлашда ЎЗА ва интернет
материалларидан фойдаланилди.

MUNDARIJA

Узбекистан и Россия подписали 27 документов	2
Сирожиддинов Ж. Ўзбекистон расмий делегацияси Хитойда	4
Алимов А. Агросуғурта – эртанги кун таянчи ер эгаларини турли хатар ва зарарлардан ишончли ҳимоя қилиш ҳамда аграр соҳани барқарор ривожлантириш омили демак	7
Кожевникова А. Г. Цикадовые вредители сельскохозяйственных культур в Узбекистане	11
Юсупов М. Определение частот и форм собственных колебаний конструкции методом Коха	15
Тангирова А. А., Режаббаев С. У. Пути эффективного использования привлеченных в экономику Республики Узбекистан средств внешнего долга	21
Abdurasulov Sh. E., Xo'jayev P. Y. Manzarali o'simliklarni atrof muhit tozaligini saqlashdagi o'ziga xos xususiyatlari	26
Гиясов К. Изучение химических свойств аддуктов полициклопентадиенов	30
Назаров А. М., Хакимова М. Х. Дўлананинг (сrateagus pontica l) қишлоқ хўжалигидаги аҳамияти	34
Сагтаров Т. А. Виды финансово-ресурсного потенциала сельскохозяйственных предприятий и их классификация	36
Алиханов Б. Б., Авлиёхонов А. А., Искандаров З. С. Тириклик дунё ичида	42
Алиханов Б., Сангинов С., Искандаров З. Цели устойчивого развития и стратегия развития Узбекистана	49
Ахмедов Х. А. Бодиринг экилган далаларнинг бегона ўтлари (сucumis sativus l.)	54
Тоиров М. Мустақил ҳаётга илк қадам	58
Фозилхон А., Тоиров Ф. Ҳаёти тўла, маъно, раъно	61
Рустамов С. Abdulla Qodiriy uy-muzeyi	64
Табаррук ёш муборак!	66
Ильин Н. Из будней сложен год и век... ..	67
Тоиров М. Эътироф	69
Зоҳиджон О. Асрор Мўмин 70 ёшда	71
Найратомуз "golshtheynlar"	72